

Jizzax haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Gazeta 1974-yil 1-maydan chiqqan boshlagan

WWW.JIZZAXHAQIQATI.UZ

E-mail: jizzax.haqiqati@yandex.com

2023-YIL 9-SENTABR, SHANBA. №74 (6431)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни изчил давом эттириш, жумладан, бошқарушни такомиллаштириш, соҳани ривожлантиришнинг келгуси истиқболларини белгилаш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва давлат мулк объектларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш орқали сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш қўламини кенгайтириш мақсадида:

1. Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаолигини ошириш маркази **Саломатлик ва стратегик ривожланиш институти** (кейинги ўринларда — Институт) этиб қайта ташкил қилинсин.

2. Қуйидагилар Институтнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: **соғлом турмуш тарзини** шакллантириш, юқумли бўлмаган касалликларга қарши курашиш ҳамда **олдини олиш** бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; соғлом турмуш тарзини **тарғиб қилиш**, зарарли одатларга қарши курашиш, аҳолининг барқарор **тиббий маданиятини** шакллантириш

(Давоми 2-саҳифада)

бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; илғор ва мақбул хорижий тажриба асосида соғлиқни сақлаш тизимини фаолиятининг **устувор йўналишлари**, **ўрта муддатли ва узоқ муддатли ривожланиш сценарийлари** ва **стратегиялари** бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш; **тиббий статистикани шакллантириш** ва **юритиш**, статистик кўрсаткичларни шакллантиришда халқаро стандартлар ва методикаларни жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, тиббиёт соҳасидаги статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, тарқатиш ва сақлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш.

Белгилансинки, 2024 йил 1 январдан Институт ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимлари меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ғимоя қилиш шартларига кўра, тегишли равишда, **Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқарув органлари ходимларига тенглаштирилади.**



«ҚЎРҒОНТЕПА»нинг сара пахтаси



Суратда: пашкадам фермер Абдунаби Абдурахмонов (ўнгда) "Мингбулоқ суви" фермер ҳўжалигининг раиси Хасанбой Фозилов билан.

Ботир ҚУДРАТОВ олган сурат.

Мавсум илғорлари

Вилоят ҳокими Эргаш Салиев вилоятда биринчи бўлиб меҳнат ғалабасига эришган илғор фермерни қутлаб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирлади.

Олтин куз қўлаб пахтакорлар сингари Шароф Рашидов туманидаги таниқли тадбиркор Абдунаби Абдурахмонов бошлиқ "Қўрғонтепа" фермер ҳўжалиги деҳқонлари қалбига ҳам бир олам шодлик-сурур бахш этиб кириб келди. Уларнинг йил бўйи сидқидилдан қилинган меҳнатлари самараси даладаги лўппи-лўппи бўлиб очилган пахталарда, хирмондаги баракали тонналарда мужассам бўлди.

Аҳил жамоа эрта қўламда 25 гектар майдонда "С-82-90" навини экиб, сидқидилдан меҳнат қилишди. Фалвир сувдан қўтарилганда, уларнинг ҳар гектар пахта майдонидан ўртача 38 центнердан ҳосил олишгани маълум бўлди. Эл хирмонига 97 тоннадан зиёд "қимматбаҳо хом ашё" армуғон этилди. Пахтани барвақт йиғиштириб олишда маҳалланинг кўнгилли теримчилари салмоқли ҳисса қўшдилар.

— Даламизда ҳосил мўл, — дейди Абдунаби Абдурахмонов. — Режага қўшимча яна 15 тонна пахта топширишни қўзлаб турибмиз. Ғалабадан руҳланиб, кузги дон экишга киришамиз. Насиб қилса, ғаллачиликда келгуси йилга замин яратиб қўямиз.

Абдушукр ЛАПАСОВ.
(“Жиззах ҳақиқати”)

ҲЕЧ КИМ ЎЗ МУАММОСИ БИЛАН ЁЛҒИЗ ҚОЛМАСИН

Вилоят ҳокимлигида ўқув семинари

Фуқаролар мурожаатлари билан ишлашни давр талаби даражасига кўтаришга бағишланган ўқув семинарини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жиззах вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудирини Байрамбек Узоқов очиб, кейинги пайтда мурожаатлар билан ишлашда жиддий камчиликлар учраётганини, фуқаролар кўтариб чиққан муаммоларга бефарқлик, "Бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар" қабилидаги муносабатлар учраётганини таъкидлади.

— Шунинг учун ушбу ўқув семинарини ташкил этиш зарурати туғилди, — деди Б.Узоқов. — Семинарда бевосита вилоят ташкилотлари, шаҳар ва туманлар миқёсида мурожаатлар билан ишлашга масъул ходимлар иштирок этишмоқда. Бугун бериладиган йўл-йўриқлар, амалдаги қонунлар талабидан келиб чиқиб бажарилиши лозим бўлган ишларни барча дафтарига ёзиб олиши ва фаолияти давомида қўлаши лозим.

Дарҳақиқат, ўқув семинари онлайн тарзда ўтказилиб, вилоят туманлари студиясида ҳокимларнинг биринчи ўринбосарлари, ташкилотлар раҳбарлари иштирок этишди.

Шавкат Миромонович Мирзиёев Жиззах вилоятига ҳоким бўлиб келганида энг чекка қишлоқларга ҳам бориб, аҳоли билан учрашувлар ўтказар, одамларнинг йиллар давомида қийнаб келган масалаларини ўрганиб, ўша даврдаги қийинчиликларга қарама-қарсисан уларга ечим изларди. Президентликка сайлангач, биринчилардан бўлиб фуқаролар мурожаатларига асосий эътиборни қаратди. 2017 йил 12 сентябрда "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимча ва ўзгартiriшлар киритилиб, янги тахрирда қабул қилинди.

Шунингдек, Президентимизнинг ташаббуси билан бошқа бирорта давлат тузилмасида бўлмаган Халқ қабулхоналари институти жорий этилди. Моҳиятан олиб қараганда, мамлакатдаги муаммоларга ечим топиш, камчилик ва нуқсонларга барҳам бериш орқали тараққиётга йўл очилади.

Халқ қабулхонаси мудирини Байрамбек



Узоқов ўз сўзида фуқароларнинг мурожаатлари, уларга берилаётган жавобларни таҳлил қилиб, энг кўп учраётган камчиликлар ҳақида тўхталди:

— Мурожаатларга берилаётган айрим жавобларда совуққонлик, лоқайдлик, бефарқлик яққол сезилиб турибди. Фуқаро кўтарган муаммо бир четда қолиб, жавобларда ёлгон маълумотлар, қилинмаган ишни бажарилди деб кўрсатиш ёки жавобларни муддатидан кечикиб бериш ҳоллари мавжуд. Натижада такрорий мурожаатлар сони ортмоқда.

Шунингдек, бевосита ваколатли шахс устидан қилинган шикоятлар текшириб кўриш учун ўша шахснинг ўзига берилмоқда. Ҳолбуки, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг 25-моддасида "Мурожаатларни кўриб чиқиш учун асосий равишда бошқа давлат органларига, ташкилотларга ўтказиш ёхуд қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган органларга, ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга юбориш тақиқланади" деб белгилаб қўйилган. Бундай камчилик ва нуқсонлар фуқароларда давлат бошқарув органлари фаолиятидан норозилик кайфиятини уйғотмоқда, — деб таъкидлади Байрамбек Узоқов.

Ўқув семинарида вилоят ҳокимлигининг масъул ходими Ф.Абдулҳакимов мурожаат-

лар билан электрон шаклда ишлаш тартиби бўйича тушунчалар берди.

Вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Б.Саидов мурожаатлар билан ишлаш тартиби ва қонунчилик, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг 43-моддасида белгиланган жавобгарлик тўғрисидаги масалалар ҳақида маълумотлар берди.

Вилоят адлия бошқармаси Инсон ҳуқуқларини ғимоя қилиш бўлими раҳбари М.Рахимова мурожаатлар билан ишлаш тартибига тўхталди.

— Рўйхатга олинган мурожаатлар қўшимча ўрганишлар талаб этилмаса, келиб тушган кундан бошлаб 15 кун ичида кўриб чиқилади. Қўшимча ўрганишлар талаб этилса, мурожаатлар келиб тушган кундан бошлаб 1 ойгача кўриб чиқиши мумкин. Мурожаатларнинг кўриб чиқиши натижаси бўйича ариза берувчига ёзма ёки электрон шаклда маълумот берилади.

Фуқаролар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда мурожаат қилиши мумкин. Жисмоний шахсларнинг мурожаатларида жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми) яшаш манзили ва мурожаатнинг мақсади кўрсатилиши лозим. Юридик шахсларнинг мурожаатларида юридик шахснинг тўлиқ номланиши, жойлашув маълумотлари (почта манзили) ва мурожаатнинг мақсади кўрсатилиши лозим.

Электрон мурожаат, рақамли электрон имзо ва бошқа мавжуд бўлган ҳужжатлар билан тасдиқланган, идентификациялаш имкониятига эга бўлган электрон ҳужжат шаклида бўлиши лозим. Электрон мурожаат белгиланган қонунчилик талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

Яширин мурожаатлар, ваколатлари тасдиқланмаган, тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлмаган жисмоний ёки юридик шахслар орқали тақдим этилган мурожаатлар, қонунчилик билан белгиланган талабларга жавоб бермайдиган мурожаатлар кўриб чиқилмайдиган мурожаатлар ҳисобланади.

Ўқув семинарида туманлар студиялари ва вилоят ташкилотлари вакилларида тушган саволларга Халқ қабулхонаси, прокуратура ва адлия бошқармаси масъул ходимлари жавоб беришди.

Асад МУСТАФОЕВ.
(“Жиззах ҳақиқати”)

Энди “CYBER WEEK” JIZZAXда

Тарғибот ҳафталиги

Вилоят ҳокимининг 2023 йил 4 сентябрдаги "Вилоятда "Кибермақомада содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш ҳафталиги" доирасида тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ вилоятимизда кибермақомада содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишга қаратилган "Cyber week Jizzax" тарғибот ҳафталиги бўлиб ўтмоқда.

11 сентябрга қадар бўлиб ўтадиган ҳафталик аввалида вилоят ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида матбуот анжумани ташкил қилинди. Тадбирда ҳафталиқни ўтказиш ишчи гуруҳи раҳбари, вилоят ИИБ бошлиғи, генерал-майор Ғайрат Қодиров, вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Аҳмад Савурабоев ва бошқалар сўзга чиқиб, ижтимоий тармоқ ва ахборот технологиялари ёрдамида содир қилина-

ётган жиноятлар ҳамда бу турдаги қонунбузарликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларга тўхталдилар.

Ҳафталик доирасида маҳаллалар, ўқув муассасалари, ташкилот ва корхоналарда тарғибот тадбирлари ўтказилиб, турли соҳалар вакиллари ва ногиронлар ўртасида кўрик-танловлар уюштирилмоқда.

Бахтиёр ТОҒАЕВ,
вилоят ИИБ Ахборот хизмати бош
продюсери.

Халқаро фестивалъ

ЖАҲОННИ ЧОРЛАГАН ХИВА



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 майдаги "Этноспорт турларини омиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ жорий йилнинг 7-10 сентябрь кунлари Хива шаҳридаги "Ичан Қалъа" мажмуасида Халқаро этноспорт фестивали илк маротаба ташкил этилмоқда.

Фестиваль доирасида Бутунжапон этноспорт конфедерацияси билан ҳамкорликда этноспорт турларини ривожлантириш ва янада омиллаштириш бўйича форум, худудлардан келган моҳир ошпазлар иштирокида икки бўлимдан иборат ош пишириш мусобақаси, мамлакатимизда етиштирилган сара қовунлардан иборат қовун сайли, халқимизнинг миллий маданияти ва урф-одатларини намойён қилувчи ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳамда санъат асарларидан кўргазмалар ташкил этилган.

— Мазкур тадбирларда 63 та давлатдан мингдан ортиқ хорижий ва маҳаллий меҳмонлар иштирок этишяпти, — дейди Жиззах вилояти Ёшлар сиёсати ва спорт бошқармасининг Миллий этно ва ноолимпия спорт турларини ривожлантириш бош мутахассиси Шоҳида Асатова. — Халқаро тадбирда вилоятимиздан 47 нафар спортчи феолиштирок этишмоқда. Ўзаро танловларда 6 нафар

тажрибали ошпазларимиз ўз маҳоратини кўрсатмоқда. Фестивалда баҳодирлар ўйини ва тош қўтариш, мас-рестлинг, ўзбекжанг санъати, белбоғли кураш бўйича халқаро турнир, турон яккакураши, миллий кураш, бел олиш ва уч кураш, от спорти, қамондан отиш ва қўшлар ови бўйича кўргазмалар қилишлар ташкил қилинаёпти. Дастлабки натижаларга кўра, Жиззах вилояти яккакураш спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактаби шуғулланувчиси Даврон Мустафоқовлар мерган чағандоз йўналиши бўйича 1-ўринга сазовор бўлди. Фестивалда, шунингдек, 12 турдаги миллий ўйинлар намойиш этилади. Мазкур тадбир доирасида Бутунжапон этноспорт конфедерацияси раиси Нажмеддин Билол Эрдоған ва Ўзбекистон ёшларининг учрашуви ташкил этилиши кутилаяпти.

Холиса РАҲМОНҚУЛОВА.
(“Жиззах ҳақиқати”)

(Газетамизнинг кейинги сонларида фестивал тафсилотлари билан танишасиз).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Аввал 1-саҳифада)

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Институт билан биргаликда **икки ой мuddатда 2024-2026 йилларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тўғри овқатланишни тизимли тартиб қилиш ва омиллаштириш дастури**ни ишлаб чиқсин ва унда, жумладан, кўйилганларни назарда тutsин:

соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган йилига **25 тагача** промо-роликлар, дастур ва телекўрсатувлар тайёрлаш;

уяли телефон фойдаланувчиларига касалликлар профилактикаси ва соғлом турмуш тарзи асослари бўйича **ҳар кун** қисқа хабарлар (SMS) юбориш;

журналистлар ва бошқа матбуот вакиллари ўртасида ҳар йили **“Соғлом турмуш тарзи бўйича йилнинг энг яхши тарғиботчиси”** танловини ўтказиш;

бозорлар, самолёт, поезд, автобус, метро, супермаркетлар ва фуқаролар оммавий йиғиларига бошқа жойларда соғлом турмуш тарзи бўйича **роликлар** намойиш қилиш, **радиомасоҳатлар** тақдим қилиш ва **буклетлар** тарқатишни таъминлаш.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги халқаро ташкилотлар ва хорижий консалтинг компанияларини жалб қилган ҳолда **2023 йил якунига қадар** илғор хорижий тажриба асосида кўйилганларга асосий эътиборни қаратган ҳолда **“Аҳоли саломатлиги — 2030” миллий стратегияси** ишлаб чиқишнинг таъминласин;

аҳолини максимал қамраб олган ҳолда **бирламчи тиббий-санитария хизматини** унга янада яқинлаштириш;

фуқароларнинг **соғлом турмуш тарзини**, соғлом овқатланишни ва жисмоний фаоллигини қўллаб-қувватлаш, уларни аҳоли орасида **ҳар томонлама тарғиб қилиш**;

оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолининг бу борадаги эҳтиёжларини қондириш; **ихтисослашган тиббий ёрдам** қўламини кенгайтириш;

соғлиқни сақлаш тизимини **тўлиқ рақамлаштириш**, қорғозбилиққа, асосий бюрократияга ва навбатларга чек қўйиш, аҳолига тиббиёт муассасаларига мурожаат қилганида қўлайликлар яратиш;

замонавий ва самарали **бошқарув усуллари**ни жорий қилиш ва **тиббий хизматлар сифатини** ошириш;

кадрлар салоҳиятини ошириш, тиббий **таълим ва илм-фанни** ривожлантириш;

хусусий секторни ривожлантириш ва **инвестицияларни жалб қилиш** ҳамда **йирик давлат-хусусий шериклик** лойиҳаларини амалга ошириш;

тиббиёт муассасаларининг **моддий-техника базасини мустаҳкамлаш**;

фармацевтика тармоқини самарали тартибга солиш.

5. Кўйилганлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги **тузилмасига ўтказилсин**:

Фармацевтика тармоқини ривожлантириш агентлиги;

2024 йил 1 январдан Давлат тиббий суртаси жамғармаси.

6. Белгилансинки: мазкур Фармоннинг 5-бандида кўрсатилган муассасалар Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасига **мустақил юридик шахс мақоми** ҳамда улар фаолиятини **молиялаштиришнинг амалдаги манбалари ва тартибини** сақлаб қолган ҳолда ўтказилади;

Фармацевтика тармоқини ривожлантириш агентлиги **фармацевтика sanoati** барқарор ривожланиши учун **жавобгарлиқни тўлиқ** зиммасига олади;

Давлат тиббий суртаси жамғармасининг кузатув кенгаши тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми доирасида тиббий хизмат кўрсатиш учун жалб қилинадиган етказиб бериувчилар (давлат ва нодавлат)ни, харид қилинадиган тиббий ёрдамлар ҳажмини **мустақил белгилейди** ва ўз бюджетини шакллантиради;

Давлат тиббий суртаси жамғармаси **2027 йил 1 январдан** Соғлиқни сақлаш вазирлиги таркибидан чиқади ва **мустақил жамғарма сифатида** фаолият юритади;

Давлат бюджети маблағлари ҳисобига имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга ташхис қўйиш ва даволаш бўйича тасдиқланган стандартларга мувофиқ тиббий хизматларнинг базавий нархлари **Соғлиқни сақлаш вазирлиги** томонидан **Иқтисодиёт ва молия вазирлиги** ҳамда **Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси** билан келишган ҳолда белгиланади;

соғлиқни сақлаш вазири ва Давлат тиббий суртаси жамғармаси ижрочи директори 2026 йилнинг якунига қадар тиббий суртанинг республика бўйлаб **тўлиқ жорий этилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади**.

7. **2024 йил 1 январдан** Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида **қўйилганларни бирлаштириш орқали юридик шахс мақомига эга бўлмаган Тиббиётни ривожлантириш давлат мақсади жамғармаси** (кейинги ўринларда — Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси) ташкил этилсин;

Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга қўмаклашиш жамғармаси;

Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси;

Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси;

Спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болаларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси.

8. Кўйилганлар 2024 йил 1 январдан Тибби-

ётни ривожлантириш жамғармаси маблағларини **шакллантириш манбалари** этиб белгилансин;

Давлат бюджетидан ҳар йили ажратиладиган **350 миллиард сўм** миқдоридаги маблағлар;

спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва дори воситаларини bepул етказиб бериш харажатлари учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

иктидорли ва малакали **тиббиёт мутахассисларини** қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган **50 миллиард сўм** миқдоридаги маблағлар;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидagi муассасалар ва ташкилотларнинг **бўш турган бинолари, кўчмас мулк объектлари ва ер участкаларини** оммавий савдолар (аукцион)да сотишдан тушадиган маблағларнинг республика бюджетига ўтказиладиган **50 фоизи**;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидagi муассаса ва ташкилотларнинг мол-мулкни ижарага беришдан тушадиган **тушумларининг**, Давлат мулк объектларидан самарали фойдаланиш марказининг операция харажатларини чегириб ташлаган ҳолда, маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган **100 фоизи**;

халқаро молия институтларининг, ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларнинг **грантлари ва техник кўмак маблағлари**;

Ҳазначилик хизмати қўмитаси томонидан Тиббиётни ривожлантириш жамғармасининг вақтинча бўш маблағларини **тижорат банклари депозитларига** жойлаштиришдан олиннадиган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг **ҳомийлик хайриялари**;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган **бошқа манбалар**.

9. Белгилансинки, **Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси маблағлари қўйилганларга сарфланади**:

соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидagi давлат тиббиёт муассасаларининг **моддий-техника базасини** мустаҳкамлаш, дастурий маҳсулотлар сотиб олиш ва ахборот-коммуникация тармоқларига техник хизмат кўрсатиш;

тиббий асбоб-ускуналар, компьютерлар, планшетлар, мультимедиа ва тармоқ қурилмалари, дастурий таъминотларни **харид қилиш, ахборот-коммуникация технологияларини** кенг жорий қилиш ва ривожлантириш;

соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидagi давлат тиббиёт муассасаларининг **ҳодимларини хорижда тайёрлаш ва қайта тайёрлаш**, шунингдек, ўқитиш, малака ошириш ва тажриба алмашишни республикада ташкил этиш учун **хорижий мутахассисларни** жалб этиш билан

боғлиқ харажатларни молиялаштириш;

соғлиқни сақлашни бошқариш органлари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидagi муассасалар ва ташкилотларнинг **кадрлар салоҳиятини** мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни молиялаштириш;

онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликлар бўйича **юқори технологик мураккаб операцияларни** амалга ошириш учун **мутахассисларни**, шу жумладан, **хорижий мутахассисларни жалб қилиш**;

маҳаллий ва хорижий экспертлар ва консалтинг ташкилотларини жалб қилиш, соғлиқни сақлаш соҳасидаги **кеңг қўламли вазифаларни** амалга ошириш мақсадида экспертлик гуруҳи фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштириш;

онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун тегишли тиббиёт муассасаларини **капитал ва жорий таъмирлаш, қуриш ва реконструкция қилиш**, уларга асбоб-ускуналар, дори воситалари, тиббий буюмлар, лаборатория реактивлари ва бошқа сарфлаш воситаларини харид қилиш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхат асосида оғир касалликка чалинган **етим болалар ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларнинг** республикада амалга оширилмайдиган жарроҳлик амалиётларини хорижий мамлакатларда ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларга республика ҳудудидаги **давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотларининг** юқори технологик ташхис ва даволаш-профилактика хизматларини харид қилиш харажатларини қоплаш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими ҳодимларини **ўқитиш, қайта тайёрлаш ва тажировақасини** ташкил этиш, шу жумладан, хорижий мамлакатларга таширларини, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида ўтказиладиган конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этишини, хизмат сафарига юборилишини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

олий ва ўрта тиббиёт таълим муассасаларининг **иктидорли талабаларига махсус стипендиялар** тўлашга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш;

Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси ва унинг дирекцияси, шунингдек, Институт ва унинг ҳудудий бўлиналари фаолиятини

ташкил этиш ва **қўллаб-қувватлаш** билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга қаратилган бошқа тадбирларни ҳамда **соғлиқни сақлаш соҳасида** олиб борилаётган **ислохотларни** амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш.

10. **2024 йил 1 январдан** Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати тузилмасида вазирлик бошқарув ҳодимларининг умумий чекланган sonи доирасида юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси дирекцияси** ташкил этилсин.

11. Белгилансинки:

Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси мазкур Фармонда назарда тутилган бирлаштирилаётган жамғармаларнинг **барча мажбуриятлари ва даромадлар манбалари** бўйича **ҳуқуқий вориси** ҳисобланади;

Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси маблағлари унинг кузатув кенгаши қарорига асосан **қатъий равишда** ушбу Фармонда кўрсатилган **йўналишларга** сарфланади;

Тиббиётни ривожлантириш жамғармасининг жорий молия йилида **фойдаланилмаган (ўзлаштирилмаган) маблағлари** кейинги молия йилига ўтказилади.

12. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Адлия вазирлиги **бир ой мuddатда Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низоми** ҳамда унинг кузатув кенгаши таркибини тасдиқласин.

Бунда, Тиббиётни ривожлантириш жамғармаси маблағларини сарфлашнинг **шаффоф тартибини**, унинг даромадлари ва харажатлари тўғрисида ҳисобдорлиқни, шунингдек, фаолиятнинг **очиқлигини** ва **ошқоралигини** таъминлаш масалаларини назарда тутиш.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгаришлар киритилсин.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда **бир ой мuddатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилинсин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.Ш.Иноятов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 6 сентябрь

✓ ЯНГИ ҚОНУН БИЛАН ТАНИШДИНГИЗМИ?



Давлат ҳисобидан юридик ёрдам қарфолатланади

Ушбу қонуннинг аҳамияти нимада, деган савол туғилиши мумкин. Ҳозиргача давлат ҳисобидан юридик ёрдам фақатгина жиноят-судлоо жараёнида кўрсатилиши қонунчиликда назарда тутилган эди, ҳоло. Бу қонун билан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишнинг асосий тамойиллари, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, фуқароларнинг юридик ёрдам олишга бўлган ҳуқуқларининг кафолатлари белгиланди.

Янги Қонуннинг қабул қилиниши билан кам таъминланган фуқароларимиз фуқаролик ишлари бўйича давзоғар ёки жавобгар, маъмурий иш бўйича ариза, маъмурий қамқот тарзидagi маъмурий жазо назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлиқни содир этган шахс, руҳий ҳолати, ҳуқуқлари, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги муносабати билан судга мурожаат қилганлар. Жиноят-процессуал кодексида мувофиқ жиноят иши бўйича адокат иштирок этиши шарт бўлган тақдирда, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи, шунингдек, маҳкумлар давлат ҳисобидан bepул юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлишмоқда.

Кам таъминланган фуқаролар фуқаро-

Жорий йилнинг тўққиз ойи муҳим ислохотлар ўтганлиги билан ҳаққимиз ёдида қоладиган бўлди. Ўтган давр мобайнида аввал янги тахрирдagi Конституциямиз қабул қилинди, кейин ислохотларнинг илчил давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилди. Янгилаган Конституциямизга мувофиқ 2023 йил 16 июнь кuni “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

ва реабилитация қилиш, тиббий йўсиндаги мажбурлоо чораларини қўллаш, жиноят, фуқаролик ишлари ва маъмурий ҳуқуқбузарлиқлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд-психиатрия экспертизасини ўтказиш чоғида кўрсатилади”, деб белгиланган бўлган.

Хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги тўғрисидаги ишлари судларда қўриш чоғида давлат ҳисобидан юридик ёрдам хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари таъминланади. Яъни, давлат фуқаролик хизмати соҳасида, сайлоо ҳуқуқларини амалга оширишда, иқтисодий соҳада ҳамда тадбиркорлик фаолиятида, меҳнат муносабатларида, ижтимоий ҳимоя, oilaвий муносабатлар ҳамда болалар тарбияси, таълим, илм-фан, маданият ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳам давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш учун жисмоний шахслар эхстерриториаллик принципи асосида Адлия вазирлигига оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

Ариза махсус ваколатли давлат органига келиб тушган кундан эътиборан

уч иш кuni ичидa қўриб чиқилади (Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган, жиноят ишлари бўйича адокат иштирок этиши шарт бўлган ҳоллар ва мuddатлар бундан мустасно).

Адлия вазирлигининг давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қарори ёки адокат тайинлаш тўғрисидаги суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёқудсуднинг ажрим “Юридик ёрдам” ахборот тизимида рўйхатга олинганидан кейин бу тизим давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатуви адокатлардан бирини автоматик равишда танлайди. Агар “Юридик ёрдам” ахборот тизими орқали танланган адокат ишда иштирок этишни рад этадиган бўлса, у рад этиш асосларини дарҳол “Юридик ёрдам” ахборот тизимига киритади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам фақат “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатуви адокатлар реестри”га киририлган адокатлар томонидан кўрсатилади.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатуви адокатлар реестрига киритилиш истагини билдирган адокат давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома тузиш учун “Юридик ёрдам” ахборот тизими орқали Адлия вазирлигига электрон тарзда мурожаат қилади. Адокатнинг мурожаати 3 иш кuni ичидa қўриб чиқилади. Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартнома адокат ва Адлия вазирлиги ўртасида тузилади. Адокатга Ҳуқуқ томонидан белгиланадиган тартибда ва миқдорларда тўлоо амалга оширилади.

Мазкур қонун 2023 йил 18 сентябрдан қучга қиради. Ушбу қонун билан инсон ҳуқуқлари ҳимоясини янада қучайтириш, фуқароларга суд жараёнларида ишончли ҳимояланиш имконияти яратилганлиги мамлакатимизда инсон қадри янада улуғланаётганини кўрсатиб турибди.

Ўткир ЖўРАЕВ,
Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг Жиззах вилояти бўйича минтақавий вакили.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ — БАРЧАНИНГ ИШИ

Яқинда вилоят Ўсимликлар қарантини ва ҳимояси бошқармасида бошқарма аппарати ҳодимлари, барча туманлар бўлимлари бошқалари, давлат инспекторлари иштирокида Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг ижросига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Даставвал йиғилиш иштирокчиларига вилоят маъмурий судининг судьяси Бекзод Хурсанов коррупцияга оид ҳуқуқбузарлиқлар, унга қарши курашишнинг асосий принциплари тўғрисида батафсил

маълумотлар берди. Шундан сўнг вилоят адлия бошқармасининг бош мутахассиси Абдулвазиз Раҳматов, вилоят судининг бош консулти Алишер Пулатовлар коррупцияга қарши курашиш со-

ҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, амалга оширилаётган ишлар юзасидан маъруза қилишди. Улар ўз чиқишларида коррупцияга қарши курашиш нафақат давлат органлари, балки қонунчиликка мувофиқ барчанинг иши эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Семинар сўнида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

Умид ПАРМОНОВ,
вилоят Ўсимликлар қарантини ва ҳимояси бошқармасининг бош юрисконсулти.

✓ Эҳтиром ва рағбат

Галлаоролда шундай АЁЛ бор



Насиба Илясова тадбиркорлик фаолиятини “Қамалак” қичиққорхонасида уста вазиасидан бошлаб, 2006 йилда “Нозимабегим Насиба” хусусий қорхонасини ташкил этди. Тадбиркор банкдан 120 млн. сўм кредит олиб, Хитой Халқ Республикасида тикув дастгоҳлари қелтирди.

Насибaxon иш фаолиятини бошлаган илк даврдаёқ ҳудуддаги ишга чанқроқ ва меҳнатсевар ёшларини, хотин-қизларни тадбиркорлик ва қичиқ қорхона фаолиятини юритиш бўйича ўз тажрибаси билан ўртоқлашиб, амалий машғулотлар ўтказди. Устой-сигирд аъзасини давом эттириб қелветган ишбилармон аёл туманда 81 нафар ёшларни қасбга ўргатди.

Қорхона томонидан 2019 йилда 496,1 млн. сўмлик, 2020 йилда 767,7 млн., 2021 йилда 1 миллиард 600 млн. сўмлик тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилиди. 2016 йилда 14 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозирги кунга қелиб янги ўзлаштирилган маҳсулотлар тури 50 тадан ошди.

Меҳнатсеварлиги, тиришқорлиги билан нафақат туманда, балки воҳода ҳам обрў ва ҳурматга эга бўлган тадбиркор қатор муваффақиятларини қўлга киритиб қелмоқда. У “Ташаббус” қўриқ-танловининг вилоят, республика босқичларида қатнашиб, “Энг яхши тадбиркор”, “Ёшларга энг қўл иш ўрнини яратган тадбиркор” номинацияларида қилиб деб топилди, диплом ва фахрий ёрликларга сазовор бўлди. Ўзбек миллий жунармандчилигини дунёга олиб чиқиш ва намойиш этиш мақсадида Германияда ўтказилган “Миллий маданиятни таққослаш” форумида иштирок этиб, жаҳон тадбиркор аёллари ассоциациясига аъзо бўлди.

Н.Илясова илғор инновацияни янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиб, энг замонавий технологиялар ва иш тажрибаларини амалиётга татбиқ этиш ишларида алоҳида эътибор қаратиб қелмоқда. Унинг ташаббуси билан 2017 йилда ҳудудда меъёли ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилди. Наттижада 28 та янги иш ўринлари яратилди. Шунингдек, жорий йилда болалар қўйим-қачалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жорий йилда Хитойдан

127 млн. сўмлик тикув дастгоҳлари олиб қелиниб, 30 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда.

У 2019 йилда “Тадбиркор аёл” қўриқ-танловининг вилоят босқичида фахрли 1-ўринни қўлга киритди. Истиклол туйғайли тикланган миллий қадриятларимиз мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этишга қатта ҳисса қўшиб қелмоқда. Иш вақтидан ташқари у жолаот ишларида ҳам фаоллик кўрсатиб, маҳаллани хашар йўли билан ободонлаштириш, ҳовли-жойларни намунали сақлашга оид турли тадбирларга бошчилиқ қилади. Уруш ва меҳнат қаҳриллари, ўзгалар парварошига мутож ёшли қариялар, кам таъминланган oilaлар ҳолидан доимий равишда хабардор бўлиб турган тадбиркор уларга моддий ва маънавий кўмак бериб қелмоқда. Насибанинг ташаббуси билан вилоят қўзи оғизлар ҳамда ногирон

2023 йил 8 сентябрь ҳолатига валюталар курси билан таъиниши:	1 АҚШ доллари 12102,00	1 Евро 13159,71	1 Россия рубли 125,62	1 Қозоқ теңгеси 26,77	1 Хитой юани 1660,17
--	---	--	--	--	---

Besh tashabbus —
Bosh tashabbus

E'tirof va faxr

Ajdodlarimiz doimo ayollarni qadrlashga, ularga nisbatan hurmat va izzatda bo'lishga da'vat etishgan. Ma'rifatparvar olim Abdulla Avloniy "Qizlar bilim olishga hammadan ko'proq intilishlari lozim. Zero, bu bilimlar bilan ular kelajak avlodni tarbiyalaydilar", deb yozgan edi. O'z tarixiy ildizlariga ega bo'lgan bu munosabat bugun ham davlatimiz e'tiboridan chetda qolgani yo'q.

Xotin-qizlarning ilm-fan va ilmiy faoliyatdagi o'rnini oshirish, ularning innovatsion g'oyalarni, ixtirochilik va ratsionalizatorlik faoliyatini qo'llab-quvvatlashga alohida ahamiyat qaratilayotganidek, "ilm-fan bilan shug'ullanish, ilmiy yangilik yaratish — bu igna bilan quduq qazishga barobar. Men o'zim shu sohadan chiqqan uchun bu ishning naqadar qiyin va murakkab ekanini yaxshi bilaman. Shuning uchun ham oila tashvishlari va farzand tarbiyasini ilmiy tadqiqot bilan birga olib borayotgan, bu borada amaliy yutuq va natijalarga eishayotgan olim ayollarni shaxsan men chinakam matonat va jasorat sohibalari deb bilaman hamda yuksak qadrlayman".

Ilmning mashaqqatlarini o'zining hayot yo'li deb bilgan matonat sohibalaridan biri, taniqli fan va davlat arbobi, O'zRFA Polimerlar kimyosi va fizikasi instituti direktori, akademik Sayyora Rashidova shu kunlarda o'zining 80 yoshini qarshi oldi. 50 yildan ortiq ilmiy va tashkilotchilik faoliyati davomida ko'plab yutuqlarga erishgan va uning xizmatlari jamoatchilik tomonidan munosib e'tirof etilgan kimyogar olim Sayyora Rashidova 1965-yilda M.V. Lomonosov nomidagi Moskva davlat universitetining kimyo fakultetini tugalladi. Ilmiy faoliyatini O'zRFA kimyo institutida

Olima ayollar

jamiyat taraqqiyotini yangi bosqichga ko'taradi

stajyor-tadqiqotchi (1965-1967) sifatida boshlab, O'zRFA kimyo instituti polimerlar kimyoviy modifikatsiyasi laboratoriyasi asoschisi va mudiri (1974), ilmiy-tadqiqot instituti vakolatiga ega bo'lgan Polimerlar kimyosi bo'limi asoschisi va rahbari (1979) lavozimlarida faoliyat yuritdi. Shuningdek, O'zRFA Polimerlar kimyosi va fizikasi instituti asoschisi va direktori (1993-h.v.) hisoblanadi.

Olima 1971-yilda nomzodlik, 1983-yilda doktorlik ishlarini muvaffaqiyatli himoya qildi. O'zRFA muxbir a'zosi (1994), O'zRFA akademigi (2000), professor (1984), O'zbekiston Respublikasida xizmat ko'rsatgan Fan arbobi faxriy unvoni (1993), "O'zbekiston belgisi" ko'krak nishoni (1997), "Do'stlik ordeni" (1999), "Yuksak xizmatlari uchun" (2000), "El-yurt hurmati" (2003), "Fidokorona xizmatlari uchun" (2019) ordenlari, "Mo'tabar ayol" ko'krak nishoni (2021) bilan taqdirlangan. Sayyora Rashidovaning davlat arbobi

kimyosi sohasida tabiiy polimerlarning yangi obyektlarini topish, ularni ajratib olish, ularning modifikatsiyasi, polimerlar strukturalari va xossalari, turli polimer sistemalarda nanozarrachalar shakllanishining mexanizmlarini aniqlash, nanostrukturalarining o'ziga xos xususiyatlarini va xossalarni tadqiq etish, shuningdek, ularning qishloq xo'jaligida, tibbiyotda, mashinasozlikda va xalq xo'jaligining boshqa jabhalarda ishlatilishiga oid ilmiy tadqiqotlar bilan chambarchas bog'liqdir. S.Rashidovaning amaliyotga tatbiq etilgan kashfiyotlari ichida o'simliklarni kimyoviy himoya qilish vositalarining polimer preparat shakllarini yaratish va ularning urug'lik chigitlarga ta'sir mexanizmlarini o'rganish bilan bog'liq bo'lgan istiqbolli ilmiy yo'nalish alohida ahamiyatga ega.

1998-yilda intellektual mulk bo'yicha Jenevada bo'lib o'tgan XXVI Xalqaro ko'rgazmada "Urug'larni kapsulalash

texnologiyasi" nomli ilmiy ishlarida bronza medaliga sazovor bo'lgan. Olib borilgan tadqiqotlar natijasida qishloq xo'jaligi ekinlari urug'larini ekologik xavfsiz polimer sistemalar bilan kapsulalash texnologiyasi ishlab chiqildi. Xitozan asosida sintez qilingan, stimullash samaradorligiga ega bo'lgan do'lovchi vosita — O'ZITAN preparati

kapsulalash texnologiyasi asosida tukitkuz chigit, donli ekinlar va sabzavot-poliz ekinlari urug'larini ekishdan oldin ishlov berishda qo'llanilib kelinmoqda. Ta'kidlash lozimki, S.Rashidova rahbarligida respublikamizda ilk bor tabiiy ipak sanoati chiqindisi — tutipak qurt g'umbagini kompleks qayta ishlash texnologiyasi ishlab chiqilgan va undan xitn, xitozan, g'umbakyog'i, organomineral o'g'itlar va oqsil konsentratlarini ajratib olish yo'lga qo'yilgan. Shuningdek, polimer shakli ekologik xavfsiz "Polidef" defoliantini ishlab chiqarish texnologiyasi yaratilgan. Olima yuqori impekt faktorli xalqaro jurnallarda 700 dan ortiq ilmiy maqolalar, 50 ta ixtiro va patentlar hammualifidir. Akademik Sayyora Rashidova rahbarligida 6 ta fan doktori, 21 ta fan nomzodi, 4 ta falsafa doktor (PhD) lari tayyorlangan. Akademik S.Rashidova AQSH Fanlar milliy akademiyasi a'zosi, O'zRFA Polimerlar kimyosi va fizikasi instituti huzu-

ridagi ilmiy darajalar beruvchi Ilmiy kengash raisi, O'zR Fanlar akademiyasi qoshidagi Yuqori molekulyar binkmalar bo'yicha muammoviy kengash raisi sifatida faoliyat olib bormoqda. S.Rashidovanning ilm-fanni targ'ibot qilish va raqobatbardosh kadrlar tayyorlashdagi xizmatlari beqiyosdir. Jumladan, bugungi kunda Qozog'iston, Tojikiston, Rossiya, Xitoy, Buyuk Britaniya, Germaniya, Amerika va boshqa davlatlardagi ko'plab ilmiy markazlar bilan hamkorlik yo'lga qo'yilgan. Ilm-fanning ta'lim bilan integratsiyasi yo'lida Namangan, Farg'ona, Jizzax, Xorazm va Buxoro davlat universitetlarida Institutning filiallari faoliyat yuritmoqda. Sayyora Rashidova qator ilmiy jurnallar tahririyati a'zosi hamda Polimerlar kimyosi va fizikasi institutida tashkil etilgan "O'zbekiston Polimer jurnali" ilmiy nashri asoschisi va bosh muharriri hisoblanadi. Bugungi kunda Institut bazasida "O'zbekiston xitnololari jamiyati" tashkili etilib, o'zbek xitnolog olimlarning Yevropa, Rossiya, Polsha, Xitn jamiyatlar bilan hamkorlikda ilmiy tadqiqotlar olib borishi uchun keng imkoniyatlar yaratildi.

Ilmiy faoliyati davomida ustoz ko'plab shogirdlarga ilm sirlarini o'rgatdi. Shular orasida men ham borimgidan faxrlanaman. Dunyoda tan olingan yirik kimyogar olim, Polimerlar kimyosi, fizikasi va texnologiyasi, nanotexnologiyaning rivojiga katta hissa qo'shgan akademik, salohiyatli tashkilotchi Sayyora Rashidova ustozimdan o'rganganlarim hamon ilmiy va hayotiy tajriba sifatida umr yo'llarimda qo'l kelayapti. Zero, Sayyora Rashidova nafaqat chuqur bilimli, balki boy hayotiy tajribaga ega va shogirdlarini doim to'g'ri yo'lga boshlovchi, beminnat maslahatlar ila ularni qo'llab-quvvatlovchi shaxsdir.



Ma'lumot o'rnida aytish lozimki, bugungi kunda respublikamizda 700 dan ortiq fan doktorlari, 5 mingdan ortiq fan sohasida izlanish olib borayotgan ayollar, 14 mingdan ortiq oliy ta'lim yurtlarida dars berayotgan xotin-qizlar, 4 mln. nafardan ortiq ta'lim muassasalarida o'qiyotgan qizlarni bor. Yildan-yilga ularning soni oshib borayotgani quvonarli hol. Bu raqamlar kelgusida yana ham ortib boraveradi. Ishonchim komilki, ustoz Sayyora Rashidova kelgusida ham xotin-qizlarning ilmiy salohiyatini yuksaltirish borasida olib boriladigan ishlarga bosh-qosh bo'lib, yo'l ko'rsatib boradi.

Sanobar ESHBEKOVA,
Jizzax politehnika institutining yoshlar masalalari va ma'naviy-ma'rifiy ishlar bo'yicha birinchi prorektori.

Matbuot rivoji yo'lida

90 YILKI OTAYOTGAN
"SHARQ TONGI"

Zomin tumani hokimligi va xalq deputatlari tuman Kengashi nashri bo'lmish "Sharq tongi" gazetasi to'qsoninchi kuzni qarshi oldi. 1933-yilda "Kolxoz hayoti" nomi bilan ta'sis etilgan nashr o'tgan yillar davomida tuman tarixining ajralmas bo'lagiga aylanib bordi.



Kecha tuman markazida ushbu nashr chop etilayotganining 90 yilligiga bag'ishlangan tantanali tadbir bo'lib o'tdi. Ma'naviy-ma'rifiy kechada viloyatimiz jurnalist va blogerlari, tahririyat faxriylari hamda keng jamoatchilik vakillari ishtirok etishdi. Tadbirida O'zbekiston Jurnalistlar uyushmasi raisi vazifasini bajaruvchi Xolmurod Salimov, uyushmaning viloyat bo'limi raisi Erkin Shermonovlar so'zga chiqib, voha qalamkashlarini ushbu yorqin sana bilan muborakbod etdilar.

Ushbu tadbirni yurtimizda OAV rivoji hamda "to'rtinchi hokimiyat" barqarorligini ta'minlashga qaratilayotgan e'tibor barobanda qadriyatlar va tanqida bo'lgan ehtirom ramzi deb qabul qilmoq kerak, — deydi faxriy jurnalist, uzoq yillar "Sharq tongi" gazetasi bosh muharriri bo'lib ishlagan Turiybek Nazarov. — Endilikda nashr zamon talablariga mos, o'qimishli bo'lib borish barobanda elektron formatda ham o'quvchilarga qo'lgayetib borayapti. Ishonchim komilki, yosh

iste'dodlarni tarbiyalash, hududning yangi imkoniyatlarini kashf etishda uning ahamiyati oshib boraveradi.

Tashkilotchilar — tuman hokimligi va Jurnalistlar uyushmasi tomonidan tahririyatga qimmatbaho esdalik sovg'alari topshirilib, fidoyi xodimlar rag'batlantildi. Shundan so'ng bugungi Zomin bilan yaqindan tanishish maqsadida press-tur tashkil etildi. Yangi aeroport, tanixiy maskanlarga sayohat ishtirokchilarda katta taassurot qoldirdi. Tadbir yakunida Jurnalistlar uyushmasi tashabbusi bilan nashrning sobiq bosh muharriri, marhum O'rozali Berdibekovxonadoniga tashrif buyurilib, oilasi holdan xabar olindi.

Bugungi tadbir "Sharq tongi" gazetasi jamoasining yodida uzoq yillarga ta'gulikiz qoldirdi, — deydi bosh muharriri Xayrulla Sodiqov. — Salkam bir asrlik otaxon gazeta tahririyati faoliyatiga, jamiyatdagi o'rni ham berilgan munosib baho ijodkorlarning ruhini ko'taradi. Zomin tumanining viloyatdagi o'rni hamda aylanib, tobora muhim ahamiyat kasb etib borayotgani bizni ham qaynaloq va ishchan faoliyatga chorlaydi.

Yubiley tadbiri bir piyola choy ustida, yurtimiz ijodkorlarining do'stona gurguni bilan davom etdi.

Gulchehra XIDIROVA.
("Jizzax haqiqati")

Vahobjon ABDUG'ANIYEV
olgan surat.



Lavha

Hikoyaga biroq ta'sirlanibman. Tinchlikmi, biror yangilik aytmoqchiga o'xshaysiz?

Darrov sezisiz-a. Hozirgina hokimiyatdan xabar keldi. Bu yerlarni shahrimizdagi eng fayzli mahallaga aylantirib, jonkuyar mahalla raisi bo'lganingiz uchun sizni taqdirlashmoqchi ekan. Erkinoy Isomiddinova ish bilan chiqib ketib qolmasinlar, deb tayinlashdi.

Ota to'lib-toshib keldi. To'rt bolasi yugurib uning quchoqiga o'tildi. Otaning ko'zi narigi xona eshigidan mo'tirabgina turgan qizchaga tushdi. U uzoqroq qarindoshining yetimi edi.

Dada! — dedi kenja o'g'ulchasi.

Ota unga shokolad berdi.

Dada, mengayam! — degan kichik qizchasi o'z ulushini oldi.

Dadajon! — deya yana ikki o'g'ul ham benasib qolmadi.

Assalomu alaykum, dadajon, — dedi to'ng'ich o'g'ul.

Ota oxirgi shokoladni qo'lida tutib, bir o'g'liga, bir yetim qizchaga qarab qoldi.

Shu mahal mehmon qizaloq dugonasini imlab chaqirib, qulog'iga shivirladi. So'ng qizaloq otasiga shunday dedi:

Dugonam "Dadangni men ham dada, desam maylimi?" deb so'rayapti...

Hikoyani o'qib ko'zlariga yosh olgan ayol eshik ochilganini ko'rib ro'molini bir chetiga ko'zlarini artdi.

Kitob o'qib ham yig'lab o'tirasiz-a, Erkinoy opa? — dedi samimiylik bilan ko'tib.

Ha, rahmat! Erkanib katta bo'ldik, hurmat bilan yashayapmiz. Hech qanday rag'batiz ham bajarishimiz lozim bo'lgan vazifalarimiz uchun taqdirlashmoqchi, — dedi rais mulohazali nigohini kitobga tikib.

Ko'p o'tmay hokimiyat vakillari kelib, Erkinoy opaning shu niga yaxshi gaplar aytishdi. Namunali faoliyati uchun unga televizor sovg'a qilishdi. Kechga yaqin rais kitobini chaqirib, televizorni ikki ko'cha naridagi Bekmatovlar xonadoniga olib borish kerakligini aytdi. Kotiba ayolning o'g'ini chimirildi.

Opa, o'tgan safar gilam sovg'a qilishganida ham kam ta'minlangan, deb Toshpo'latovlarga berib yuborgandigiz. Undan avvalgi qimmatbaho buyumlar va pul mukofotlarini ham shunday tarqatgan edingiz. Hech bo'lmasa, shu televizorni uyingizga olib boring yoki

xonangizga qo'yaylik. Axir mehnatlaringiz samarsi-ku bu sovg'a.

Qo'ysang-chi shunaga gaplarni. Sanobar yolg'iz ayol boshi bilan uch bolani katta qilyapti. Otasidan erta yetim qolgan bolalari televizorni ko'rib suyunib qolishadi. O'sha go'daklarning quvonchiga sababchi bo'lsak, yomonmi? Faqat iltimos, sovg'ani hokimiyat yoki mahalla nomidan deb ber. Meniki ekanligini aslo ayta ko'rmagin.

Raisni qaroridan qaytarib bo'lmasligini tushungan kotiba

hozirgi vaqtda ham imkon qadar odamlarga yaxshilik qilishga harakat qiladilar.

Men ko'p yillar Erkinoy opa bilan hamkorlikda ishlaganman, — deydi "Toshloq" MFYda istiqomat qiluvchi To'lg'ori Oripov. — U vaqtlar davlat tashkilotlarining mas'uliyatli vazifalarida ishlardim. Qayog'ida bo'lmay onaxon xayrli ishlarni boshlab, hamkorlik qilishimni so'radilar. Odamlarga yengillik bo'lsin, ularning kayfiyati ko'tarilsin, hayotga, o'ziga bo'lgan ishonchi oshsin, deya turli tadbirlarni tashkil etardilar. Xokisor, xalqparvar

Mahalla farishtasi

bu ayolning ishlari ko'pchilik rahbarlarning e'tiboriga tushgan edi. Moddiy yordamlarda doimo opaning shaxsiy ulushlari ham borligini o'zlar aslo oshkor etmasalarda qo'l ostidagi xodimlarning shivir-shivirlaridan eshitib qolardik. Shu bois, Erkinoy onani keksayu yosh hamon "Mahalla farishtasi" deydishdi. Undagi ziyolilik, insoniylik, diyonat va kamtarlik fazilatlari farzandlarining tarbiyasida ham jamiyatga ezigulik nuridek ta'sir etmoqda.

Turmush o'rtog'ining vafodori yori, o'qimishli uch o'g'ul, kasbi-korli ikki qizning mehribon onasi Erkinoy Isomiddinova bugun elda aziz bo'lib umr kechirmoqdalar. Yoshlarga doimo ilmi, iltifotli bo'lishni nasihat qilayotgan qahramonimiz yaxshi amallarni yashirib bajarish kerakligini uytirishni ham kanda qilmaydilar.

G.HAKIMJONOVA.
("Jizzax haqiqati")

Bosh muharrir o'rinbosari Hakim TILYABOV

Jizzax viloyati matbuot va axborot boshqarmasidan 2018-yil 7-dekabrda 06-038 raqami bilan ro'yxatdan o'tgan.

ISSN 2010 7730. Qog'oz bichimi A-2, hajmi 2 bosma taboq. Guvohnoma № 14-2588

QABULXONA — (72) 226-40-65.

XATLAR — (72) 226-59-84,
REKLAMA va E'LONLAR — (72) 226-18-10.

Navbatchi muharrir: Sh.YULDASHEVA.
Gazeta operatorlari: A.NORBOYEV, D.SADIROV.
Musahhih: B.HAMIDOVA.

Tahririyat besh qog'oz hajmgacha bo'lgan qo'lyozmalarni qabul qiladi. Qo'lyozmalar taqiz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi. Reklama va e'lonlar matni uchun tahririyat javobgar emas.

— tijorat materiallari

Gazeta «ERUDIT» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.
Shartnoma bo'yicha topshirish vaqti — 17.00. Topshirildi — 16.00

Buyurtma № 491
Adadi: 12392 nusxa.
Sotuvda
kelishilgan narxda.

**Jizzax
haqiqati**

MUASSISLAR:
Xalq deputatlari viloyat
Kengashi va viloyat hokimligi